Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2000 йил 11 ноябрь, шанба • №87 (11.272) • Эркин нархда сотилади

## МАЪНАВИЯТ, МАФКУРА: ЯНГИ БОСҚИЧ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарлари негизида яратилган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласи маънавий-мафкуравий ҳаётимиздаги янги босқични белгилаб берди.***

Мамлакатимиз раҳбарининг сўзбошиси билан бошланадиган бу рисоланинг «Миллий ғоя ва мафкуралар тарихи», «Ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун кураш», «Ўзбекистон тараққиёти ва мафкуравий муаммолар», «Миллий истиқлол мафкураси», «Миллий истиқлол мафкурасини халқимиз қалби ва онгига сингдириш» деб номланувчи беш бобида маънавий-маърифий тараққиётимиз тамойиллари, Ватан равнақи, ёш авлодни юксак миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашнинг муҳим масалалари баён этилган.

Вазирлар Маҳкамасида мазкур масалалар юзасидан ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича республика мувофиқлаштириш комиссияси, «Миллий истиқлол мафкураси» концепциясини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳи, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ва Маърифий ва мафкуравий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш кенгашининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Ёшларимизда аждодларимиз мероси, кўп асрлик урф-одатларимиз, миллий анъаналаримизни қадрлаш, ота-онага ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини кучайтириш, турли ёт ғояларга қарши мафкуравий кучни шакллантириш энг долзарб вазифа эканлиги йиғилишда алоҳида таъкидланди.

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласи жамиятимизнинг турли қатламлари орасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ҳамда ғоявий-мафкуравий тарғибот ишларини кучайтиришга жиддий туртки беради, ана шу соҳадаги амалий ишлар йўналишини белгилаб олишга хизмат қилади. Бу эса мазкур фаолиятда иштирок этаётган жамоат ташкилотлари фаолиятини янги талаблар асосида ташкил этиш ва мувофиқлаштиришни тақозо этади.

Йиғилишда сўзга чиққан республика таълим тизими, оммавий ахборот воситалари вакиллари, адиб ва мутахассислар бу йўналишда олиб борилаётган ва амалга оширилиши лозим бўлган муҳим чора-тадбирлар тўғрисида ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Рисоланинг ҳар бир бобини илмий-амалий, назарий-фалсафий тафсир этиш мақсадида ишчи гуруҳлари тузилгани, уларнинг таркибига республикамизда таниқли олимлар ва ижодкорлар киритилгани, рисола моҳиятини халқнинг турли табақа ва қатламларига содда ва равон, тушунарли тилда етказиш, уни ўтмишдаги буюк алломаларимиз қарашлари билан бойитиш муҳимлиги қайд этилди.

Сўзга чиққанлар рисоланинг, айниқса, «Миллий истиқлол мафкураси» деб номланган тўртинчи бобига алоҳида тўхталдилар. Ушбу боб ва умуман, рисоланинг ҳар бир бандини ўрганишнинг чуқур илмий-фалсафий базасини яратиш, теран тадқиқотлар олиб бориш, диссертацияларга мавзулар белгилаш борасида мулоҳазалар билдирилди.

Рисолани ўрганиш ва миллий истиқлол ғоясини кишилар онги ва қалбига сингдиришда тажрибали муаллимлар, маҳалла фаоллари, ишлаб чиқариш корхоналарида бевосита халқ билан мулоқотга киришадиган маърузачилар кучидан унумли фойдаланиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Бунинг учун эса, ушбу рисола нафақат ўқув даргоҳлари, айни чоғда ҳар бир хонадонга кириб бормоғи зарурдир.

Шунингдек, йиғилишда таълим тизимининг барча бўғинлари учун дарсликлар яратиш ишига ёш илмий-педагогик кадрларни кенг жалб этиш, дарслик муаллифларини рағбатлантириш мақсадида уларга илмий унвон ва даражалар бериш юзасидан меъёрий ҳужжатлар лойиҳаси муҳокамадан ўтказилди.

*(ЎзА).*

## ИЗЛАНИШЛАР МЕВАСИ

**Тошкент туманидаги Муҳаммаджон Фозилов номли жамоа хўжалигида Исроил технологияси асосида сутни қайта ишлайдиган кичик завод ишга тушди**





*ХАЛҚИМИЗДА замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, деган нақл бор. Ҳозирги бозор иқтисоди шароитида бу нақл алоҳида маъно кашф этади: бозорнинг қонун-талабларига кимки менсимай қараса, сўзсиз, қийналади. Режани, мақсадни амалга оширишни мушкуллашади. Лекин ишбилармонлар, тадбиркорлар бор жойда бунга йўл қўймайдилар. Сабабки, имконият дегани ҳар қадамда учрайди. Аммо у кўзга яққол кўринмайди. Уни излаш, илғаб олиш ва ишга солиш зарур бўлади. Тошкент туманидаги Муҳаммаджон Фозилов номли жамоа хўжалигида ана шундай фидойи инсонлар меҳнат қилмоқдалар.*

Бошқарув раиси Акбар Сулаймонов наслчиликка ихтисослашган чорвачилик фермасидаги эришилаётган натижалар, кўрсаткичлар анча дуруст ва олинаётган соф фойда кўпайиб бораётган бўлса ҳам қаноатланмасди. Ахир чорва етти хазинанинг бири. Бу хазинани ҳар қанча бойитса бўлади. Бунинг учун яна нималарга эътибор беришимиз керак? Шунда Президентимизнинг Исроил мамлакатига боргани ва у ердаги тадбиркорлар билан суҳбатлашиб, сутни қайта ишлайдиган кичик заводлар ишига ҳаваси келганлиги, исроилликлар билан аҳдлашиб, ўз юртида ҳам бундай кичик корхоналарни ҳамкорликда йўлга қўйиш ҳақида келишиб олганлиги ёдига тушди. Нима учун шундай корхоналарнинг биттасини хўжалигимиздаги эски сутни қайта ишлаш цехи негизида барпо этиш мумкин эмас! Бунинг учун бизда имконият бор-ку! Устози Сиддиқ ака Муҳаммаджоновга маслаҳат солди. Буни қарангки, Сиддиқ ака ҳам худди шу ҳақда ўйлаётган экан. Туман, вилоят мутасаддилари бу ташаббусни қўллаб-қувватладилар. Барча ташкилий, ҳужжатлаштириш ишлари амалга оширилди. Раиснинг ўзи Исроилга бориб, у ерда кичик заводларнинг ишини ўз кўзи билан кўриб, ҳамкорлик қилишга келишди. Кўп ўтмай, ишлар бошланиб кетди. Исроилликлар ўзларининг технологиялари ва ускуналарини хўжаликка олиб келишди. Уни ўрнатиш ишлари муваффақиятли якунланди. Хорижлик ҳамкорлар кичик

### Ташаббус сўнмасин

заводда ишлаш истагини билдирган жамоа хўжалиги аъзоларини шогирдликка олдилар. Уларга ўзларининг иш тажрибаларини, ускуналарни қандай қилиб самарали ишлатиш йўлларини эринмай ўргатдилар.

Яқинда ана шу кичик заводни кенг жамоатчилик ва исроилликларнинг вакиллари иштирокида фойдаланишга топшириш маросими бўлди, бир пиёла чой устида қизғин суҳбат ўтказилди. Йиғилганлар заводнинг иш жараёни билан танишдилар.

— Заводда, — деб ахборот беришди мутасаддилар, — бир сменада икки тонна сут қайта ишланади. Саккиз хил маҳсулот: сир, йогурт, сариёғ, бринза, қайнатилиб, бир литрлик целофан идишларга солинган сут маҳсулоти, қаймоқ, сметана, творог тайёрланади.

— Хўжалигингиз фермасидан олинадиган сут заводнинг эҳтиёжини қоплайдими?

— Фермада 480 бош қорамол бор, — дейди раис, — шундан 190 боши соғин сигир. Бу дегани фермада ҳар куни 2000-2200 литр сут соғиб олинмоқда. Демак, завод эҳтиёжи ортиғи билан қопланади.

Маълумки, завод ускуналари Исроилдан келтирилган бўлиб, унинг қиймати 243 минг АҚШ долларига тенг. Завод «Барака» универсал лизинг компанияси орқали ўн йил муддат ичида тўлаб бориш шарти билан олинди.

Ҳисоб-китобларга қараганда завод тўлиқ ишга туширилгандан сўнг уч-тўрт йил ичида ўз қийматини қоплаш имкониятига эга. Ҳозирги кунда бир литри 100 сўмга сотилаётган сут кичик заводда қайта ишланиб, тайёр маҳсулот ҳолатида сотилса, 170-180 сўмга туради. Заводда ҳаммаси бўлиб саккиз киши меҳнат қилади.

— Келгусидаги режаларингиз қандай?

— Заводнинг ишлаб чиқариш қуввати тўрт-беш тоннагача етиши мумкин. Биз қўшни хўжаликларда етиштириладиган сутни ҳам келишилган нархда сотиб олиб, ишни икки сменада ташкил этсак бўлади.

Хўжалик фаолияти билан танишар эканмиз жамоа аҳли давр билан ҳамнафас қадам ташлаётганликларининг гувоҳи бўлдик. Гап шундаки, шаҳар кенгайиши муносабати билан хўжаликнинг ерлари бирмунча қисқариб кетди. Лекин аҳоли йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Уларни боқиш, кийинтириш, турмушларининг тобора яхшиланиб боришига кўмаклашиш хўжаликнинг биринчи даражали вазифаси ва бурчидир. Шу мақсадда ҳар бир имкониятдан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Чунки хўжалик асосан узумчилик, иссиқхонада сабзавот етиштириш ва чорвачиликка ихтисослашган. Бу йил узумдан ниҳоятда баракали ҳосил олинди. Ҳар гектар токзордан 27 тоннадан узум топширилди. Бу ҳосил хўжаликнинг ўзидаги корхонада қайта ишланмоқда. Иссиқхона даромади ҳам йил сайин баракали бўлаётир. Чорвачиликдан олинаётган соф фойдани янада кўпайтиришда эса юқорида айтиб ўтганимиз янги корхонанинг аҳамияти каттадир.

Шулар ҳақида ўйлаб, мулоҳаза қилар эканмиз, тадбиркорлик, ишбилармонлик билан иш юритиладиган жойда ҳар қандай қийинчиликларни енгиб, ютуқларнинг салмоғини кўпайтириш, умумий юксалишга эришиш мумкин бўлади. Бу ҳозирги бозор иқтисоди шароитида айни муддаодир.

***Носир РИХСИЕВ,***
***«Тошкент ҳақиқати» мухбири.***

*Суратларда: хўжаликдаги сутни қайта ишлаш кичик заводи ишчиси (чапдан ўнгга) Ортиқ Солиҳов, завод раҳбари Абдусамиғ Абдуллаев, ишчи Нафиса Зокировалар маҳсулот сифати ҳақида суҳбатлашмоқдалар. Ўнгдаги расмда эса ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан намуналарни кўриб турибсиз.*

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***

## ЖУМАДАН ЖУМАГАЧА

- **Республика Марказий банкида Президент Ислом Каримов сўзбошиси билан чоп этилган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласининг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда Марказий банк ҳамда унинг тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар ходимлари, ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этишди. Маросимда мазкур асарнинг Марказий банк тизими ва унинг тасарруфидаги ўқув муассасаларида ўрганилишини ташкил этиш юзасидан ишлаб чиқилган вазифалар режаси белгилаб олинди.**
- Кузги таътил кунларида Тошкент мактабларининг ҳуқуқий билим асослари фани муаллимлари инсон ҳуқуқларига бағишланган семинар-тренингда иштирок этиш учун Самарқандга жўнаб кетишди. Бу тадбирни Тошкент Давлат Юридик институти қошидаги Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази Канада инсон ҳуқуқлари жамғармаси билан ҳамкорликда БМТнинг қочоқлар иши бўйича Олий Комиссарлиги ваколатхонаси кўмагида ташкил этди.
- **Ўзбекистон амалий санъат музейида Чехиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан фотокўргазма уюштирилди. Кўргазма 1918 йилда мустақил деб эълон қилинган Чехословакия давлатининг биринчи президенти Томаш Гарриг Масарикнинг ҳаётига бағишланган.**
- Республика Маданият ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташаббуси билан Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқали драма театрида улкан санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофотининг соврindори Раззоқ Ҳамроев таваллудининг тўқсон йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.
- **Тошкентда Республика профессионал бокс федерациясининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси вакиллари ва республиканинг барча вилоятларидан ташриф буюрган мутахассислар қатнашди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори Арслон Рўзметов республика профессионал бокс федерациясининг президенти этиб сайланди.**

## ВИЛОЯТ ҳаёти

### МУҚИМИЙ ШЕЪРЛАРИ ЯНГРАДИ



Юқоричирчиқ туманида «Камолот» жамғармаси туман бўлими ҳамда туман марказий кутубхонаси ходимлари ташаббуси билан «Ёрқин сиймо» деб номланган адабий кеча бўлиб ўтди. Сўзга чиққан марказий кутубхона услубиётчилари Дилора Абдиева, Собира Айдарова мумтоз шоиримиз Муқимийнинг 150 йиллиги кенг нишонланаётганини айтиб, унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзладилар. Кутубхоначилар Муқаддас Шопозова, Галина Илёсова, Гулчеҳра Шокаримова, Эрмон Асановлар Муқимий ғазалларидан намуналар ўқишди.

***Латифжон МАНСУРОВ.***

### ЯНА МАҲСУЛОТ БЕРА БОШЛАДИ



«Электркимёсаноати» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Капролактам» корхонаси яна маҳсулот бера бошлади. Бунда халқаро иқтисодий алоқаларнинг йўлга қўйилгани ёрдам берди. Чунончи, бўлинма жамоаси эронлик буюртмачилар ва россияликлар билан ҳамкорлик қила бошладилар.

Эрон бу ерда тайёрланадиган автомобил шинаси кордларини сотиб олиш истагини билдирди ва унга катта ҳажмда буюртма берди ҳамда бунинг учун олдиндан валюта ажратди.

Капралактамчилар шу сармоя билан енгил, ишқаланишга чидамли, пишиқ-пухта тола — полиамидни ишлаб чиқариш учун зарур ҳом ашёларни Россиядан олиш имкониятига эга бўлди. Бундай ҳамкорлик натижасида корхона яна ишлай бошлади.

***Шокир ТЎҒОНОВ.***

### МУАЛЛИФЛАРГА МУКОФОТЛАР



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат тест маркази томонидан ўтказилган «Педагогик тестларнинг энг яхши муаллифлари» деб номланган республика танлови якунланди. Бу ижодий синовга тақдим этилган педагогик изланишларнинг бир нечтаси ушбу танловда ғолиб деб топилди.

Тарих фани бўйича беллашувда Олмалиқ шаҳридаги 16-гимназиянинг ўқитувчиси Наталя Ем тайёрлаган тест саволлари яхши баҳо олди. Бу изланиши учун унинг муаллифи танловнинг иккинчи даражали мукофоти билан тақдирланди.

Оққўрғон туманининг Кўрик-Найман қишлоғида жойлашган мактабнинг кимё фани ўқитувчиси Мурод Алибеков тузган саволлар эса танловнинг учинчи даражали мукофотига сазовор бўлди.

***Акбар АЛИЕВ.***

### Суд залидан

## ТЕРРОРЧИНИНГ АСЛ МАҚСАДИ — ЁВУЗЛИК

***«Қилган жиноятларимга иқрорман ва бунинг учун жабрланганлардан, уларнинг яқинларидан, бутун Ўзбекистон халқидан, Президентимиздан кечирим сўрайман», дея сўзини якунлади айбланувчи Улуғбек Маҳмудов. Аммо, энди қилмишларига минг пушаймон қилса-да, унинг тақдирини фақат одил судгина ҳал қила олади.***

Ўзбекистон Республикаси Олий судида ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланаётган 12 шахс устидан давом этаётган суд жараёнида 9 ноябрь куни «қора курси»дан жой олган У.Маҳмудов, О.Абдувоҳидов ва У.Шукуров кўрсатма берди.

Тошкентдаги портлашларнинг ташкилотчиси Улуғбек Бобожонов билан бирга Чеченистонда диний ва ҳарбий тайёргарликни ўтаган Улуғбек Маҳмудов 1999 йил кузида Боткенга бостириб кирган жангариларга қўшилиш мақсадида чегарачи Бобур Раҳимовни ўлдириб қуролини эгаллаган. Бироқ Қирғизистон ички ишлар идораси ходимлари томонидан қўлга олиниб, Жума Ҳожиев томонидан гаровга олинган 4 нафар япониялик олимга айирбошланган. Айни пайтда Жума Ҳожиев япониялар учун 6 миллион АҚШ доллари миқдорида пул олгани унинг жиноий мақсадларини яна бир карра исботлайди.

Узоқ муддат Ж.Ҳожиевнинг ҳайдовчиси бўлган У.Маҳмудов 2000 йилнинг июль ойи бошларида Тожитдин Исматов бошчилигидаги гуруҳ таркибида Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманига юборилган. Аммо чегарадан ўтиш чоғида Тожикистон чегарачилари томонидан ушланиб, Ўзбекистонга топширилган.

Олимжон Абдувоҳидов ва Усмон Шукуровнинг асосий вазифаси Ўзбекистондан қочган ҳаракат аъзоларини Тавилдарага, Жума Ҳожиев лагерига жўнатишдан иборат бўлган. Шунингдек, О.Абдувоҳидов Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманига бир гуруҳ жиноятчиларни ўтказишда фаол иштирок этган.

Судланувчиларнинг кўрсатмаларидан маълум бўлдики, Бирлашган тожик мухолифатининг кўпгина дала қўмондонлари, раҳбарлари Ж.Ҳожиевни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаганлар. 2000 йилнинг баҳорида Тожикистон ҳукумати «Ўзбекистон исломий ҳаракати» аъзолари мамлакатни тарк этишини талаб қилганда, Ж.Ҳожиев 200дан ортиқ куролланган жангариларни «Коммунизм чўққиси» ёнидаги Ложир қишлоғида яширган ва ўзи Афғонистонга ўтиб кетган. Айнан шу жангарилардан таркиб топган гуруҳлар Сурхондарё, Бўстонлиқ ва Боткенга август ойида бостириб кириб, фуқароларимиз тинчлиги, юртимиз осойишталигига раҳна солмоқчи бўлди.

Суд жараёни давом этмоқда.

*(ЎзА).*

«Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компаниясининг барча алоқа бўлимларида **2001 йил учун** бошқа нашрлар қатори **«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»**га ҳам **обуна** расмийлаштирилмоқда.

**АЗИЗ ДЎСТЛАР!**

**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!**

**Вилоятнинг исталган алоқа бўлимларида унга тўхтовсиз ёзилишингиз ва яна биз билан ҳамроҳ бўлишингиз мумкин.**

## «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ОБУНА БЎЛДИЛАР

*Ангрендаги «Иссиқлик манбаи» корхонасида газета-журналларга обуна уюшқоқлик билан ўтди. Бунинг учун маблағнинг асосий қисмини корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ажратди. Республика, вилоят ва шаҳар матбуот органларига ёзилиш ҳозирнинг ўзидаёқ ниҳоясига етказилди.*

*Биргина «Тошкент ҳақиқати» газетасига ўттиз нафар ишчи-хизматчи обуна бўлди. Шаҳарда нашр этиладиган «Ангрен ҳақиқати» газетасига эса элликдан ортиқ жамоа аъзолари ёзилдилар. Корхона раҳбарлиги уларга маблағ билан ёрдам берди.*

***Мунаввара ИСОҚУЛОВА.***

*«Пахта-2000»*



# КАТТА КАРВОННИНГ САЛМОҚЛИ ХИРМОНИ

## Қуйичирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» тажриба хўжалиги деҳқонлари давлатга пахта сотиш режасини муваффақиятли адо этдилар

*МАЪЛУМКИ, бу йилги қийин шароитда, айниқса, катта карвон хўжаликларга оғир бўлди. Режани барбод этиб, туманни ҳам орқага тортмаслик учун йиғим-теримни ғоят уюшқоқлик билан олиб боришга, мавжуд машиналарнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилиш талаб этиларди.*

«Ўзбекистон» хўжалиги раҳбарлари, мутахассислари ана шу масъулиятни чуқур ҳис этиб, йиғим-терим ишларини куну-тун сергаклик билан бошқариб бордилар. Вазият талаб этганда ҳаловатдан, ҳатто, уйқудан ҳам кечдилар. Ҳар бир бўлим ва бригада раҳбарларидан ҳам шундай қатъий интизом талаб қилинди. Натижада кунлик теримда юксак суръатни узоқ муддат ушлаб туришга эришилди.

— Интизом ҳам керак, албатта, — дейди хўжалик раҳбари Собиржон Султонбеков. — Бироқ хоҳ ғўзага ишлов бериш даври, хоҳ йиғим-терим мавсуми бўлсин, далада ишлаётганларни моддий рағбатлантириш ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ўз меҳнатининг пировард натижасига қараб, яхши даромад кўришидан кўнгли тўқ бўлган киши, аввало, мўл ҳосил етиштириш ва уни вақтида йиғиб-териб олиш учун жон куйдириб ишлайди. Бизнинг асосий ютуғимиз ана шу ҳар икки таомилга қатъий эътибор берганимиз бўлди.

Раис ҳақ гапни айтди. Йил бошиданоқ тажрибали пахтакорлар билан маслаҳатлашиб иш тутилди. Айниқса, қайси навни экиш масаласини ҳал этиш уларнинг ўзларига қўйиб берилди. Шу боис вилоят, туман ва хўжалик шароитида кўп йиллик синовдан ўтган, серҳосил ва эртапишар эканлиги амалда кўрилган «С-6524» ғўза нави танланди ва асосан шу нав экилди. Унинг ўзига хос агротехникасини обдон эгаллаган пахтакорлар чигитни ундириб олишдан бошлаб, то ҳосил пишиб етилгунча бўлган жараёндаги тадбирларни вақтида ва маромига етказиб бажариб бордилар. Бошқача қилиб айтганда «Қозонда бўлса чўмичга чиқади» нақлига амал қилиб, ҳамма майдонда ғўзаларнинг текис ва серҳосил бўлиб ўсишини таъминладилар.

Ҳар бири қарийб биттадан хўжаликнинг пахтасини берадиган 1-, 5-, 6-бўлимларда ҳосил, айниқса, мўл бўлди. Айнан шу бўлимларда теримга ҳам биринчи бўлиб тушилди. Бундай тадбиркорлик эса режани ортиқча қийналмай, биринчи теримдаёқ бажариш имконини берди. Бироқ юқорида айтганимиздек, бошидаёқ келишилган интизом бўшаштирилмади, хотиржамликка берилишга йўл қўйилмади, терим агротехникаси оғишмай давом эттирилди. Чунки, асосий мақсад хўжаликнинг режадан чиқишига қаратилган эди. Мана энди, алоҳида таъкидлаш жоизки, шу учта бўлимда бугунгача ҳар гектар майдондан 34-35 центнерга етказиб ҳосил йиғиштириб олиниб, умумий хирмонга салмоқли ҳисса қўшилди.









Хўжалик йирик, ҳосил мўл бўлгани боис четдан, аниқроғи асосан Зангиота туманидан 7 мингдан зиёд ҳашарчи йиғим-теримга жалб қилинди. Бугунги муваффақиятда улар қўшган ҳисса салмоқли бўлганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Иккинчи томондан эса мавсум оммавий тус олган кунларда машина терими учун ажратилган майдонларга 16та «Кейс» чиқарилиб, юксак унум билан ишлатилди. Чунки, ҳамма машиналарга бевосита даланинг бошида ёқилғи қуйиш ва бошқа техник хизмат кўрсатиш пухта уюштирилди. Операторлар ҳам далада овқатланиб, вақтида ҳордиқ чиқариб, алмашиб ишладилар. Натижада терим суръати юқори бўлиб, тўрт-беш кун давомида ҳар бир «Кейс» бункеридан ўртача 30 тоннадан пахта тўкишга эришилди. Умуман эса давлатга топширилган жами ҳосилнинг 3 минг тонна ёки 40 фоиздан зиёдроғи машиналарда териб олинди.

Мавжуд тўрт юзта пудратчи оила аъзолари ҳамда ўз истаги билан теримга чиққан маҳаллий аҳоли учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш билан шахсан Собиржон Султонбековнинг ўзи шуғулланди. У пудратчи оилалар номидан қатнашган теримчиларга нисбатан интизом ва талабни, айниқса, қаттиқ қўйди.

Йиғим-теримни ташкил этишдаги бундай тартиб ва талабчанлик икки томонлама самара берди. Биринчидан, кетма-кет ёққан ёмғир теримга жиддий ҳалал бериб турганига қарамай, шундай юки оғир хўжалик режани ёруғ юз билан бажарди. Иккинчидан эса пудратчи оилаларнинг кўпчилиги терим мавсуми давомида мўмайгина пул ишлаб олдилар. Қуруқ гап бўлиб қолмаслиги учун истаганча мисол келтиришимиз мумкин. Чунончи, теримда кўпчилик бўлиб қатнашган Зоҳида Ашурова оиласи 190 минг сўм, Мукаррам Тиланова оиласи 140 минг сўм, Моҳира Эшонқулова ва яна бошқа ўнлаб оилалар 100 минг сўмдан ошириб ҳақ олдилар.

Бу — пудратчи оилаларнинг фақат терим мавсумида топган накд даромадлари. Йил якунида топширган пахталари юзасидан оладиган ҳақлари ҳам чакки бўлмайди. Айниқса, Абдуҳолиқ Алибеков, Саидкамол Катаманов, Эрйигит Тиланов каби бош пудратчилар раҳбарлигида пахта етиштирган пудратчиларнинг даромадлари салмоқли бўлиши кутилмоқда.

Умуман, бу йил хўжалик бўйича пахтадан катта даромад кўрилиши ҳозирданоқ аниқ бўлиб қолди. Юқорида айтганимиздек, йиғим-терим ишлари тадбиркорлик билан олиб борилгани туфайли хўжаликда биринчи теримнинг ўзидаёқ йиллик режанинг қарийб 80 фоизи миқдорида пахта тайёрлаб қўйилди. Демак, тайёрланган 8100 тонна пахтанинг 6500 тоннага яқини биринчи навга, яъни энг қиммат нархда сотилди.

Дарвоқе, «Ўзбекистон»ни тумандаги энг катта карвон хўжалик дедик. Аслида ҳам шундай. Зеро, туманда шу кунгача тайёрланган жами пахтанинг қарийб 29 фоизини, лофи билан айтганда, салкам учдан бирини шу хўжалик берди. Шунинг учун ҳам «Ўзбекистон»ликларнинг бу йилги меҳнати ҳар қанча олқишга лойиқдир.

***Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ, Дониёр КАМОЛОВ.***

*СУРАТЛАРДА: хўжалик диспетчери Музиин Абибуллаева йиғим-терим даврида алоқа хизматини узлуксиз таъминлади; бош ҳосилот Исматилла Охунжонов (ўртада) 6-бўлим бошқарувчиси Тўйчибой Пардаев (чапда) ва бригада бошлиғи Эрйигит Тилановни режа бажарилгани билан табриклади; «Кейс» операторлари Ботир Эштурдиев ва Жонибек Раимқулов хўжалик ютуғига муносиб ҳисса қўшдилар; Ҳадича Тўраева кунлик теримда мунтазам пешқадамлар сафида борди.*

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***

# ЮРАКДАГИ ДОЛҒАЛИ БИР ҲИС

*Дилдаги гаплар*

РИВОЯТ. Лашкарбоши асирга яқин келибди: «Хўш, энди нима қиламиз? Ётаверамизми қўл-оёғимиз боғлиқлигича?». «Ўзимни ўзим боғламаганман, — кулибди асир, — сен боғлагансан, марҳамат қилиб ечиб юбор». «Ечишга ечиб юбораман, лекин шартим бор. Сен хазинага кирадиган ҳуфя йўлни билар экансан». Асир чуқур сўлиш олибди: «Биламан, лекин сенга айтмайман. Ҳазина халқимнинг пешона тери билан топилган». «Ҳа, нима бўлипти, барибир, сен айтганингни ҳеч ким билмайди». «Мен халқимни сотиб жонимни сақлашга ор қиламан».

Ор-номус. Тарихдан то шу кунгача назар ташлаб келсак, бу сўзнинг маъноси қанчалар теран эканлигига гувоҳ бўламиз.

Кирнинг макрига учиб, мастликда қўлга тушган Спитамен онаси Тўмарисга қарашга номус қилиб, ўз-ўзини ҳалок этди. Хўш, агар шароб ичиб маст бўлганини айтса бўлармиди? Бўларди. Лекин бунинг учун инсон беномус, виждон ўрнига ўпқон, бет ўрнига чарм қоплаган бўлиши керак. Спитамен эса одам эди. Ор-номусни ҳар нарсадан юқори қўювчи массагетлар ўғлони эди.

Мўғул босқинчилари Ўрта Осиёни буткул хароб қилганда уларга қарши бош кўтарган Жалолиддин Мангуберди, Темур Маликлар шу йўлда ҳалок бўлишларини билардилар. Жалолиддин эса ўз халқи олдида юртини ҳимоя қилолмаган инсон деб ном олишдан ор қилди. Неча йил давом этган тенгсиз курашга бел боғлади. Бу дунёдан юзи ёруғ кетди. Халқининг, авлодининг мангу муҳаббатини қозониб кетди.

Ор-номус деган сўзнинг қиёси йўқ. У ҳақда қанча гапирсак оз. У беқиёсдир. У беқиёс фазилат; у нону сувдек муқаддас бўлган туйғу; у инсоннинг етмиш икки томиридаги қонда яшовчи эзгу ҳис. Юракларни мардликка, жасоратга тўлдирувчи оби-ҳаёт.

РИВОЯТНИНГ ДАВОМИ: «Унда, — дебди лашкарбоши, — ўлигингни қузғунлар хомталаш қиладилар». Тонгда асирни осиш тадоригини кўрибдилар. «Охирги ниятинг борми, бўлса, айт, ижобат қилай, армонда кетма», — дебди душман лашкарбошчиси. «Қўлларимни еч», — илтижо қилибди асир. Унинг қўлларини ечибдилар. Йигит қўйнидан оппоқ рўмолча чиқариб, уни титроқ қўллари билан очибди. Бир қисм тупроқни кўзига суртиб: «Сенга хиёнат қилмадим, — пичирлабди унинг лаблари. — Сен муқаддас ҳазинамсан, — кейин қаддини ғоз тутиб, лашкарбошига юзланибди: «Сен ҳазина деб эдинг, кўрсатаман», — йигит кўксига урибди, «мана, сен излаган ҳазина, у юртимга бўлган муҳаббат билан тўла, ор-номус билан уриб турибди. Асирлик — қуллик демакдир. Аввало, сенинг қўлингга тирик тушганимдан номус қиляпман». У бир қадам олға босиб, нима гаплигини тушунолмай турган лашкарбошига яқин келибди, унинг белидаги ханжарни суғуриб, ўзининг кўксига урибди...

Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Одамзот минг бир сир-синоатга дуч келади. Маҳалламизда Тожибой ака деган киши бўларди. Зардали, чўрткесар эди. Бир куни тенгқурлари ҳазил қилишибди. Паст кўчадаги бева хотин — Латифанинг номидан ишқий мактуб ёзиб, чўнтагига солиб қўйишибди. Рўмолчасини олаётган пайтда Тожибой аканинг чўнтагидан хат чиқиб қолади. Шуни кутиб турган ҳазилкашлар нима бу, нима бу, деб очиб ўқий бошлашади: «Азизим Тожибой ака, неча пайтдан бери сизнинг йўлингизни пойлайман, ахир бир қайрилиб қарасангиз... Латифа деб билгайсиз...» Шу каби эҳтиросли сўзлар ўқилади. Иттифоқо келиб қолган Латифа хатдан огоҳ бўлади. Тожибой ака унга дўқ уради: «Уялмадингми, ахир, беномус». «Мен, мен эмас, ахир мени шундай қилади, деб ўйлайсизми, ахир икки болам бор-а». Шу-шу Латифа уйга қамалиб олади. Номус кучли, кўчага чиқмайди. Озиб чўп бўлиб кетади. Бир йил ўтмай вафот этади. Тожибой аканинг ўртоқлари қилган ишидан минг пушаймон бўлишади. Аммо начора. Тожибой ака унинг икки қизини фарзанд қилиб олади. Ғалати-ғалати қилиқларни чиқараётган аёлларни кўрганимда, Латифа опани эслайман.

Яқин-яқинларгача пахта теримига борар эдик. Кунлик норма 50 килограмм. Кўпчилик бу режани бемалол уддаларди. Лекин нимжонроқ дўстимизга анча мушкул бўларди. У ҳаммадан олдин пахтазорга кириб, ҳаммадан кейин чиқарди. Амаллаб пахтасини эллик килога етказарди. «Қўявер, — дерди ҳар куни бригадир, — сен қирқ кило терсанг ҳам майли». «Нега энди, — дерди у. — Нима, мени бошқалардан кам жойим борми?» Шу тариқа ҳар куни совуган чой ичарди, совуган овқат ерди. Лекин «норма»ни бажарарди.

Эътибор берган бўлсангиз, тўрт хил воқеани тилга олдик. Шарҳламадик. Уни шарҳлаш ўзингизга ҳавола. Орномусни қандай тушунишингизга ҳавола. Мабодо юрагингиз жўшсаю, атрофга қараб, қилаётган ишингиздан қониқсангиз ёки уялсангиз, биз мақсадимизга етган бўламиз.

РИВОЯТНИНГ ОХИРИ. Йигит йиқилаётиб: «Менинг садоқатимни халқимга етказинг, руҳим тинч бўлсин. Халқим ҳам билсинки, мен ор-номусимни ерга совурмадим». Алқисса, лашкарбоши азбаройи қойил қолганидан йигитнинг жасадини ўз юртига олиб борибди ва айтибдики: «Ор-номуси зўр фарзандни тарбиялаган юрт асло хорлик-зорлик кўрмайди. Бу йигит мардларнинг марди экан». Сўнгра бўлган воқеани айтиб берибди. Йигитни баланд тепаликка дафн этишибди. Шу тепа бора-бора Номустепа деб ном олган экан. Кейинчалик Номсизтепа бўлиб кетган экан...

Ор-номус ҳақида жуда ҳам кўп гапирамиз. Хиёнат орномуссиз одамдан чиққан. Бунга мисоллар жуда ҳам кўп. Сувни беҳуда сарфлаш — хиёнат; юрт бойлигига кўз олайтириш — хиёнат; ўзганинг нонини туя қилиш — хиёнат, унинг турлари сероб, илдизи битта: номуссизлик, ор қилмаслик.

Пайғамбаримиз бир ҳадисларида дебдилар: «Огоҳ бўлингки, ҳар бир хиёнатчи қиёмат куни хиёнати миқдорида танилиш учун байроқ кўтариб юради». Демак, номуссизлик қадим-қадимдан ҳам қораланган.

Ватанимиз Ўзбекистон — қалби ор-номус туйғуси ила тўла инсонлар юртидир. Ор-номус — она сути билан вужудимизга кирувчи туйғудир. Бу туйғу ҳар биримизнинг вужудимизни ларзага солиб турганига ишонгим келади.

***Темир ТИЛЛАЕВ.***

## ТАЛАБАЛАРИМИЗ МИСРДА МАЛАКА ОШИРИШМОҚДА

*Мисрда мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги МДҲ мамлакатлари билан техник ҳамкорлик жамғармаси ва Бутунмиср савдо палаталари иттифоқи томонидан ташкил этилган Марказий Осиё мамлакатлари учун навбатдаги ички ва ташқи савдо ҳамда кўргазмалар уюштиришга кўмаклашиш бўйича малака ошириш курслари якунланди.*

Ушбу курсларда Ўзбекистон вакиллари ҳам иштирок этишди. Тингловчилар Экспортни ривожлантириш маркази ва Миср экспортчилари ассоциацияси иши билан яқиндан танишдилар ҳамда қатор савдо, экспорт ва импорт билан шуғулланувчи муассасаларда бўлишиб, Халқаро савдо палатасининг Бутунараб қўмиталари Форумининг биринчи анжуманида қатнашиш имкониятига эга бўлдилар.

Жамғарма ташкил этилган кундан бошлаб кўпгина ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўзбекистонлик тингловчилар учун турли мутахассисликлар бўйича 100га яқин курслар уюштирилди. Бу ерда мамлакатимизнинг 300дан ортиқ мутахассислари ўз малакаларини ошириб, сайёҳлик, хусусийлаштириш, қишлоқ хўжалиги, суғурта, ташқи савдо ва электрлаштириш, молия ҳамда араб тили, шунингдек, бошқа турли соҳаларда Миср тажрибалари билан танишдилар.

***Б. ИРИСОВ, «Жаҳон» АА, Қоҳира.***

*Қиш тайёргарликни ёқтиради*

# ИШНИ КЕЧИКТИРМАГАН ЮТАДИ

*Чирчиқликларнинг анъанага айланиб кетган бир яхши одатлари бор. Куз, қиш мавсумида ишлашга тайёргарликни анча барвақт бошлашади. Жорий йилда ҳам шундай бўлди. Шаҳар ҳокимлигининг халқ хўжалиги тармоқларини 2000-2001 йил кузги-қишги мавсумга тайёрлаш ҳақидаги қарори февраль ойидаёқ чиқарилган эди.*

Шу ойдаёқ қиш мавсумига тайёргарликни олиб боришга раҳбарлик ва назорат қилувчи махсус штаб тузилди. Унга шаҳар хокимининг ўринбосари бошчилик қилди. Штаб ҳар ойда икки мартадан ўтказиб турилди. Унинг мажлисларида шаҳардаги барча халқ хўжалиги тармоқлари, айрим корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда мавсумга тайёргарликнинг бориши ҳақидаги масала кўриб турилди, уларнинг раҳбарлари ҳисоботлари муҳокама қилинди, ишни жадаллаштиришга қаратилган, аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун кўрсатмалар бериб борилди.

Биринчи навбатда уй-жойлар, мактаблар, болалар боғчаларини иситишни таъминлашга эътибор берилди. Уларнинг сув, иссиқлик тармоқлари бир бошдан текширилди ва лозим қисмлари янгиланди ёки таъмирдан чиқарилди. 913та кўп қаватли уйларга борадиган шундай тармоқлар ҳам синчиклаб кўрикдан ўтказилди. 11 километр узунликдаги магистрал ичимлик сув тармоқлари ювилди, 17,3 километр узунликдаги ер ости газ қувурлари текширилди, 150 метр янги тармоқлар қурилиб, газ босими кучайтирилди.

Шаҳарда корхоналарга қарашли кўп қаватли уй-жойлар ҳам кўпгина. Чунончи, «Электркимёсаноати»нинг ишчи-хизматчилари 81та шундай уйларда истиқомат қиладилар, «Ўзбеккимёмаш» ҳиссадорлик жамиятининг 40та уйи мавжуд. «Трансформатор», «Чирчиққишлоқмаш» ва бошқа корхоналар ҳам ўз уйларига эгалар. Улар бу уйларни қиш мавсумига барвақт тайёрлаб қўйдилар. Бундан ташқари, яна 24та кўп қаватли уйларни таъмирлашга ҳам ёрдам бериб, катта ҳиммат кўрсатдилар. Шунинг учун барча кўп қаватли турар-жойлар биринчи ноябргача қишга тахт қилиб қўйилди.

Иссиқлик билан таъминлаш манбаи ҳисобланган қозонхоналарни кўрикдан ўтказишга алоҳида аҳамият билан қаралди. Шаҳарда ўнта қувватли корхоналар бор. Битта шундай иншоотда тўла таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Қолганлари жорий таъмирланди. Корхоналарнинг барча қозонхоналари ҳам янги мавсумга тўла тахт этилди.

Қишга тайёргарлик бўйича белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш катта маблағни талаб қиларди. Шунинг учун бу ишга ҳокимликдан ташқари корхона-ташкилотлар, хусусий тадбиркорлар маблағлари ҳам жалб қилинди. Айниқса, мактаб, боғчаларни таъмирлашга улар салмоқли ёрдам бердилар. Шу билан бирга харажатнинг катта қисмини ҳокимлик қилди. Фақатгина шаҳар коммунал фойдаланиш бошқармаси йўли билан сарфланган пул миқдори 27 миллион 135 минг сўмни ташкил этди.

– Шаҳримиздаги уй-жойларнинг 96 фоизи хусусийлаштирилган. Уларнинг ичимлик сув, иссиқлик, газ, электр ва бошқа шу каби муҳандислик тармоқларини, турар-жойларнинг биносини таъмирлаш уларда истиқомат қилувчилар зиммасига юклатилган, – дейди шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ўктам Мирзаев. – Улар уй эгалари ҳисобланишади. 2000 йилдан бошлаб бундай турар-жойлар ва уларнинг ички муҳандислик тармоқларини таъмирлашга бюджетдан маблағ ажратиш тўхтатилди.

Шаҳарда кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчилар бу ишни биргаликда олиб боришлари учун ширкатлар ташкил этилмоқда. Ҳозиргача улардан 26таси тузилди ва ишлаяпти. Ширкатлар таркибига кирган уйлар сони ҳар хил. Олтитадан йигирматагача бор. Квартира, ахлат ҳақи шу ширкатларга тўланади. Унинг нархи ягона қилиб белгиланган. Лекин ширкат аъзолари эҳтиёж сезишса унинг нархини кўтаришлари ва камайтиришлари мумкин. Тушган маблағ умуммақсад, шу жумладан қишга тайёргарлик учун сарфланаяпти.

Қатор ширкатлар ўз ишларини йўлга солиб олишди, вазифаларини дуруст бажаряпти. «Коммуналсервиз», «Машинасозлар», «Хўжаликсервиз», «Келажак» ширкатларини шулар қаторига қўшиш мумкин. Ҳали бу янгиликнинг моҳиятини тўла тушунмаётганлар ҳам бор. Лекин, уларнинг тарафдорлари кўпайиб бораяпти.

Ширкатларда тўпланган маблағ анчагина. Бундай жамғарма ёрдами билан хонадонларда юзага келган ва анчагина маблағни талаб этадиган ва таъмирлаш билан боғлиқ мураккаб муаммоларни ҳам бартараф этиш мумкин бўлаяпти. Ширкатлар бу йил уй-жойларни қишга тайёрлаш юмушларида фаол қатнашдилар ва бу ишга салмоқли ҳисса қўшдилар. Ширкатлар ўтган қисқа вақт ичида ўзини оқлади, деб айтиш учун тўла асос бор. Шу туфайли ҳам уларнинг янгиларини ташкил этиш йўлидан борилмоқда. Вақти келиб барча кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчилар тўла ана шундай ширкатларга бирлашадилар.

Чирчиқликлар ишни кечиктирмаган ютишини яхши биладилар. Вақтида бажарилмай, пайсалга солинган иш албатта ташвиш келтиради. Шунинг учун ҳам халқ хўжалигининг барча тармоқларини қиш-қировли кунларда ишлашга тайёрлаш юзасидан белгиланган чора-тадбирларни тўла амалга ошириш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Йўл қўйилган камчиликлар аниқланиб, бартараф этиш чоралари кўриляпти. Биринчи навбатда қозонхоналарда қишда ёқиш учун кўмир ва солярка ғамлашни охирига етказиш лозим. Чунки, айрим қозонхоналар шундай ёқилғи ва ёнилғи турлари билан етарли таъминланмаган. Бу ишлар қанча тез ниҳоясига етказилса шунча яхши бўларди. Шаҳар ҳокимлиги, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарликлари, барча мутасадди идоралар бунинг учун ҳамма чораларни кўрадилар, деб ўйлаймиз.

***Мирсобир МИРҲАМИДОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.***

## ЎЗБЕК АРТИСТЛАРИ КУАЛА-ЛУМПУРДА

*Мамлакатимиз театр ва мусиқа санъати вакиллари жаҳондаги энг обрўли концерт залларида ўзларининг юқори ижрочилик маҳоратини бир неча бор намойиш этишган. Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда Алишер Навоий номидаги давлат академик катта опера ва балет театрининг гастроллари ҳам муваффақият билан ўтди.*

*Малайзия пойтахтида машҳур эстрада хонандаси Севара Назарҳон ижросидаги бетакрор қўшиқлар ўз ихлосмандларини топишга улгирди. Ёш ўзбек хонандаси Халқаро мусиқа фестивалида муваффақиятли иштирок этди. Мусиқа танқидчилари Севаранинг гўзал овози ва ўзига хос ижрочилик услубини юқори баҳоладилар.*

***«Жаҳон» АА.***


# «ТОШКЕНТ-ТЕЛЕКОМ» ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент-Телеком» ОАЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

2000 йил 25 ноябрь соат 11.00да

Тошкент шаҳри Т. Шевченко кўчаси, 17-а уйда ўтказилади.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. «Тошкент-Телеком» ОАЖ Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.
2. «Тошкент-Телеком» ОАЖ Кузатув кенгаши таркибига ўзгартиришлар киритиш.
3. Туманлараро бирлашма-шўъбалар барпо этиш йўли билан «Тошкент-Телеком» ОАЖни қайта ташкил этиш.
4. Бошқа масалалар.

***«Тошкент-Телеком» ОАЖ.***

